

Шахсий келишмовчилик замирида қасддан баданга шикаст етказиш безорилик жинояти таркибини ташкил этмайди.

Жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман судининг 2003 йил 25 сентябрдаги ҳукмига асосан Д. ЖК 277-моддаси 2-қисмининг «в,д» бандлари билан 1 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига шартли ҳукм қилинган. Д.дан жабрланувчи К. фойдасига 130.000 сўм ундириш белгиланган.

Суднинг ҳукмига кўра, Д. 2003 йил 15 июнь куни соат 19:30 ларда Тошкент шаҳар, Мирзо Улуғбек тумани, Қорасув даҳаси, 2-мавзе, 25-уйнинг атрофида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимасдан, кўлидаги калтак билан ўн бир яшар К.нинг олдига бориб, унинг бош соҳасига ва баданининг бошқа жойларига уриб, соғлиги бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати етказганликда айбдор деб топилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 24 октябрдаги ажрими билан суд ҳукми ўзгаришсиз қолдирилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисининг биринчи ўринбосари келтирган протестда суд қарорларини ўзгартириш масаласи қўйилган.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсатининг 2004 йил 10 февралдаги қарори билан протест қуйидаги асосларга кўра қаноатлантирилган.

Жиноят иши материалларига қараганда, Д. дастлабки терговдаги ва суддаги кўрсатувларида 2003 йил 15 июнь куни кўчада ўйнаб юрган 9 яшар ўғли Х.ни 11 яшар К. тепганлигини, ўғлини ҳимоя қилган 12 ёшли қизи Н.ни ҳам тепганлигини кўриб, жаҳли чиқиб, кўлига дарахт шохчасини олиб, К.нинг баданига икки маротаба урганлигини баён этган.

Жабрланувчи К. тергов даврида Х. уни ҳақоратлагани учун орқасидан қувиб, бир неча марта тепганлигини, жанжалга Н. ҳам аралашганлигини, бу воқеани кўрган Д. кўлида ёғоч калтак билан келиб, унинг бош қисмига ва баданининг турли қисмларига урганлигини кўрсатган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 14 июндаги «Безориликка оид ишлар бўйича суд амалиёти ҳақида»ги қарорининг 13-бандида судлар айбдор қасдининг моҳияти ва у нимага қаратилганлигидан, содир этилган ҳаракатнинг мотиви, мақсади ва муайян ҳолатларидан келиб чиққан ҳолда безориликни бошқа жиноятлардан фарқлай олишлари керак. Жумладан, оилада, уйда, қариндош-уруғ, таниш-билишларга нисбатан содир этилган ҳақоратлаш, уриш-дўппослаш баданга енгил шикаст етказиш каби ҳаракатлар, агар улар шахсий келишмовчилик натижасида келиб чиққан бўлса ёхуд жабрланувчининг ножоиз хатти-ҳаракатлари оқибатида содир этилган бўлса шахсга қарши жиноят деб баҳоланиши ва Жиноят кодекси Махсус қисми тегишли моддалари билан квалификация қилиниши лозим деб таъкидланган.

Ишда мавжуд далиллар К.нинг соғлиғи бузилишига сабабчи бўлган енгил шикаст у билан Д. ўртасида юзага келган шахсий келишмовчиликлар замирида етказилганлигини тасдиқлаб, Д.нинг ҳаракатида жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасдан менсимасликда ифодаланувчи безорилик жинояти аломатлари мавжуд эмаслигини кўрсатади.

Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди Раёсати туман судининг Д.га нисбатан чиқарган ҳукми ҳамда ушбу ҳукмни ўзгаришсиз қолдирган жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди апелляция инстанциясининг 2003 йил 24 октябрь кундаги ажримини ўзгартириб, Д.нинг жиноий ҳаракатини ЖК 277-моддаси «в,д» бандларидан шу кодекснинг 109-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилган.

Д.га нисбатан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 1 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси Президентининг Амнистия тўғрисида»ги Фармонининг 1,5-моддаларини қўлланилиб, жиноят иши тугатилган.

К.га етказилган моддий ва маънавий зарарни ундириш масаласи бўйича фуқаролик судига тегишли тартибда мурожаат этиши тушунтирилган.

1-799/03-сонли қарор